



Taqiqot.uz



АНДУМАН | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

# O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022



2022  
ДЕКАБР  
№47



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir  
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

[www.taqiqot.uz](http://www.taqiqot.uz)

[www.conferences.uz](http://www.conferences.uz)

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ  
АНЖУМАНЛАР:  
23-ҚИСМ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ  
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ  
КОНФЕРЕНЦИЙ:  
ЧАСТЬ-23**

---

**NATIONAL RESEARCHES OF  
UZBEKISTAN: CONFERENCES  
SERIES:  
PART-23**

**ТОШКЕНТ-2022**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

**“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]**

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 46-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 декабрь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 11 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиши ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишлиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохигда Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

**6.Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқовиҷ, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқовиҷ, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Проф. Хамидов Муҳаммадхон Ҳамидович «ТИИМСХ»

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдор.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Сахифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов: [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

**АГРОПРОЦЕССИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

<b>1. Жанибеков Дилёрбек Абдуманнобович</b> ЧИГИТ ЭКИШ УСУЛЛАРИ ВА ТИЗИМЛАРИНИ БИР КЎСАКДАГИ ПАХТА ВАЗНИ- ГА ТАЪСИРИ.....	7
<b>2. Турдиева Дилфуза Тиркашбоевна, Деҳқонова Махмудаҳон Патидин қизи</b> ТУТ ДАРАХТИ УРУҒЛАРИНИ МИКОЛОГИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ. ....	9



## АГРОПРОЦЕССИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

УЎТ: 633.51

### ЧИГИТ ЭКИШ УСУЛЛАРИ ВА ТИЗИМЛАРИНИ БИР КЎСАКДАГИ ПАХТА ВАЗНИГА ТАЪСИРИ

Жанибеков Дилёрбек Абдуманнобович

Андижон қишлоқ хўжалиги ва  
агротехнологиялар институти асистенти

#### Аннотация

Андижон вилоятини оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг Андижон-37 нави чигитларини экиш меъёри, экиш усуслари ва схемасини бир чаноқдаги пахта вазнига таъсири маълумотлари келтирилган.

**Калит сўзлар.** Экиш схемаси, экиш усули, минг туп/га, чигит, ғўза, назарий кўчатлар, хақиқий кўчатлар, бир чаноқдаги пахта вазни.

Ҳозирги даврда, Республикализнинг дунё бозорига чиқиши пахтачиликда янада эртапишар, юқори тола сифатига эга бўлган, жаҳон бозори рақобатларига бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ғўза парваришилашни интенсив технологиясини такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Бу талабларни бажариш ва эртаги сифатли пахта ҳосили етиштириш учун янгидан-янги ғўза навларини яратиш, уларни парваришилашнинг интенсив технологиясини мукаммаллаштириш ёхуд такомиллаштириш борасида тадқиқот ишларини мунтазам кучайтириш, илмий натижаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиб боришга боғлиқдир.

Зеро, ҳар бир ғўза навининг ҳосилдорлиги ва толасининг сифат кўрсаткичлари аввало илмий жиҳатдан асосланган, юқори савиядаги замонавий агротехнологияга риоя қилиш ҳамда уларнинг биологиявий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тегишли агротадбирлар кўллашга боғлиқдир.

Бинобарин, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши жуда кўп турли-туман омиллар таъсирида ўсимликда содир бўладиган биокимёвий жараёнларга боғлиқ. Булар тупроқни ишлаш сифатига, унумдорлигига, намлиги, ҳароратига, озиқ моддаларни кўллаш меъёрига, шунингдек, куннинг узун ва қисқалигига боғлиқ бўлган жараёнлардир.

М.П.Зиятов [2] Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида олиб борган тадқиқотларида ғўза қатор орасини қора полиэтилен плёнка билан мульчалаб азотли ўғитларни эгилувчан қувурлар орқали фертигация усулида суғоришни қўллаш натижасида ғўзанинг ўсиши-ривожланиши, ҳосил тўплаши ва энг юқори кўрсаткичга эга бўлиб, кўсаклар сони назорат вариантига нисбатан 1,7 донага кўп бўлиб, 8,1 ц/га қўшимча пахта ҳосили етиштиришга эришилган.

Илмий тадқиқот олиб борган 2018-2020 йиллари вариантлар кесимида кўлланилган агротехник тадбирларни ғўзанинг бир кўсакдаги пахта вазни ва терим салмоғига таъсирини аниқлаб чиқилди.


Вариантлар кесимида олинган маълумотларнинг кўрсатишича, чигитлар очиқ майдонга 90x10-1 тизимда экилган 1-вариантда бир кўсакдаги пахта вазни аниқланганида, 1-теримда ўртacha 5,7 гр ни, 2-теримда 4,6 гр ни, теримлар бўйича ўртacha 5,2 гр ни кўрсатган бўлса, чигитлар очиқ майдонга кўшқатор қилиб, 90x(60x30)x12-1 ва 90x(60x30)x15-1 тизимларда экилган 3-4 вариантларда бир кўсакдаги пахта вазни 1-теримда ўртacha 4,4-5,0 гр ни, 2-теримда ўртacha 2,7-3,3 гр ни, теримлар бўйича ўртacha 3,6-4,2 гр и ташкил этиб, чигитлар очиқ майдонга 90x10-1 тизимда экилган 1-вариантга нисбатан бир кўсакдаги пахта вазни 1,6-1,0 гр га камайиб борганлиги кузатилди.

Чигитлар очиқ майдонга (76x38)x8,8-1; (76x38)x9,7-1; (76x38)x11,4-1 тизимларда экилган



9-10-11 варианларда етиширилган кўсакларнинг ўртача вазни таҳлил қилинганида, 1-теримда ўртача 4,4-4,8-5,1 гр, 2-теримда ўртача 3,0-3,4-3,5 гр, теримлар бўйича ўртача 3,7-4,1-4,3 гр га тенг бўлиб, чигитлар очиқ майдонга  $90x10-1$  тизимда экилган 1-вариантга нисбатан бир кўсакдаги пахта вазни 1,5-1,1-0,9 гр гача камайиб борганлиги аниқланди.

Чигитлар пуштага плёнка тўшаб, якка қатор қилиб,  $90x10-1$  тизимда экилган 2-вариантда кўсакларнинг ўртача вазни ўрганилганида, 1-теримда ўртача 5,4 гр ни, 2-теримда ўртача 4,2 гр ни, теримлар бўйича ўртача 4,8 гр ни ташкил этганлиги аниқланган бўлса, пуштага плёнка тщшаб, чигитлар  $90x(60x30)x12-1$  ва  $90x(60x30)x15-1$  тизимларда экилган 5-6 варианларда бир кўсакда пахтанинг щртча вазни 1-теримда 4,1-4,7 гр, 2-теримда 2,4-3,2 гр, теримлар бўйича щртча 3,3-4,0 гр га тенг бўлиб, пуштага плёнка тўшаб, чигитлар якка қатор қилиб,  $90x10-1$  тизимда экилган 2-вариантга нисбатан бир кўсакдаги пахта вазни 1,5-0,8 гр га, пуштага плёнка тўшаб, чигитлар  $(76x38)x8,8-1$ ;  $(76x38)x9,7-1$ ;  $(76x38)x11,4-1$  тизимларда экилган 12-13-14 варианларда эса бир кўсакдаги пахтанинг ўртача вазни 1-теримда 3,8-4,3-4,6 гр ни, 2-теримда 2,9-3,2-3,5 гр ни, теримлар бўйича ўртача 3,4-3,8-4,1 гр ни кўрсатиб, пуштага плёнка тўшаб, чигитлар якка қатор қилиб,  $90x10-1$  тизимда экилган 2-вариантга нисбатан бир кўсакдаги пахта вазни 1,4-1,0-0,7 гр гача камайиб борганлиги қайд этилди.



**1-диаграмма. Чигит экиш усуллари ва тизимларини бир кўсакдаги пахта вазнига таъсири, 2018 йил**

Пушталарга ёппасига плёнка тўшаб, чигитлар  $90x(60x30)x12-1$  ва  $90x(60x30)x15-1$  тизимларда экилган 7-8 варианларда бир кўсакдаги пахтанинг ўртача вазни ўрганилганида, 1-теримда 4,1-4,8 гр, 2-теримда 2,5-3,2 гр, теримлар бўйича ўртача 3,3-4,0 гр ни ташкил этганлиги кузатилиб, пуштага плёнка тўшаб, чигитлар якка қатор қилиб,  $90x10-1$  тизимда экилган 2-вариантга нисбатан бир кўсакдаги пахта вазни 1,5-0,8 гр га кама эканлиги аниқланган бўлса, пушталарга ёппасига плёнка тўшаб, чигитлар  $(76x38)x8,8-1$ ;  $(76x38)x9,7-1$ ;  $(76x38)x11,4-1$  тизимларда экилган 15-16-17 варианларда бир кўсакдаги пахтанинг ўртача вазни таҳлил қилинганида, 1-теримда 3,9-4,2-4,6 гр ни, 2-теримда 2,8-3,1-3,6 гр ни, теримлар бўйича ўртача 3,4-3,7-4,1 гр гача тенг бўлиб, пуштага плёнка тўшаб, чигитлар якка қатор қилиб,  $90x10-1$  тизимда экилган 2-вариантга нисбатан бир кўсакдаги пахта вазни ўртача 1,4-1,0-0,7 гр гача камайиб борганлиги маълум бўлди.

Вариантлардан олинган натижалардан кўриш мумкинки, бир туп тўғза ўсимлигидаги кўсаклар сонининг кўпайиб бориши ҳамда кўчкат сонининг ортиб бориши бир кўсакдаги пахта вазнига ўз таъсирини кўрсатгани ҳолда камайиб боришига асос бўлиб хизмат қилгани тадқиқотларимизда ўз исботини топди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 июлдаги ПҚ-308 сонли «Пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахта етиширишда илм ва инновацияларни жорий қилишнинг қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

2. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПИТИ, Тошкент-2007. Б. 61-33.

3. Зиятов М.П. Турли суғориш усулларида тўғзани озиқлантиришнинг самарали агротехнологиясини ишлаб чиқиши // қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати. Тошкент-2020. Б. 10-16.



УДК 634.38: 581.2: 582.28

## ТУТ ДАРАХТИ УРУҒЛАРИНИ МИКОЛОГИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ.

Турдиева Дилфузা Тиркашбоевна

Андижон қишлоқ хўјалиги ва

агротехнологиялар институти

“Ўсимликларни ҳимоя қилиши”

кафедраси қ.х.ф.ф.д., доцент,

Деҳқонова Махмудаҳон Патидин қизи

таянч докторант

**АННОТАЦИЯ:** Тут дарахти уруғларининг ичида сақланадиган фитопатоген замбуруғларни аниқлаш ва ажратиб олиш учун нам камера усули ёки агар-агарли озуқа мухитида ўстириш усулини қўллашади. 1) устида ва 2) ичида сақланадиган фитопатоген замбуруғларни аниқлаш талаб этилиши мумкин. Биринчи ҳолда уруғлар устки қисмидан дезинфекция қилинмайди, иккинчи ҳолда эса уларнинг устки қисми натрий гипохлорит, 70°-ли этил спирти, ёки 0,5% ли калий перманганат эритмасида заарсизлантирилади. Устки қисми дезинфекция қилинган ва қилинмаган уруғлар тажрибанинг 2 та варианти бўлиб, улар алоҳида текширилади.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** тут, суний, маҳсус, уруғ, фунгицид, навлар, ниҳол, дурагай, тажриба, тупроқ,

Тут дарахтининг касалликлари асосан Ҳиндистон, Хитой, Япония ва Жанубий Корея мамлакатларида яхши ўрганилган ва ҳозирги даврда ҳам ўрганилмоқда, аммо республикамида тут касалликлари ҳақида чоп этилган маълумотлар кўп эмас.

Тут дарахти касалликларига қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича юқорида кўрсатилган мамлакатларнинг олимлари илмий изланишлар олиб боришимоқда. Бизнинг мамлакатда тут касалликларига қарши юқори самарали ва экологик хавфсиз кураш чоралари ишлаб чиқилмаган, патоген замбуруғларга қарши самарали уруғдорилагичлар ва ўсимликлар ўсуви даврида қўлланиладиган истиқболли фунгицидларни қўллаш ҳам етарли ўрганилмаган.

Тут дарахтида ун-шудринг касаллигини қўзғатувчи замбуруғлардан *Erysiphe geniculata* Фарғона водийсида, *Phyllactinia moricola* Тошкент, Фарғона (Запромётов, 1926), Жиззах (Kleyner, 1963) va Сурхондарё (Норматов, 2020) вилоятларида ҳамда *Erysiphe geniculata* yoki *Phyllactinia guttata* Ўзбекистонда номаълум минтакада (учраган жойлари кўрсатилмаган) (Запромётов, 1925) қайд этилган.

*Фусариум латеритиум* тури тут (ва бошқа) дарахтларнинг фақат новдаларини заарлаши (чириш қоъзғатиши) коъп мамлакатларда учрайди ва унинг тутга патогенлиги тажрибаларда исботланган (Леслие, Суммерелл, 2006, ва б.). Шу билан бирга, маҳаллий адабиётда Ўзбекистонда тут дарахтини *Фусариум* туркумининг 20 га яқин турлари заарлайди, деб таъкидланган. Жумладан, *Ф. охиспорум*, *Ф. колани* ва *Фусариум* туркумининг коъп бошқа турлари тут уруғларини заарлаши, заарланган уруғлар нобуд боълиши ёки улардан касал, нимжон қоъчатлар униши, бу турлар ва *Ф. латеритиум* катта этилган дарахтларни ҳам заарлаши, уларда илдиз чириш қоъзғатиши ҳамда 7 тадан коъп турлари тут дарахтларида соълиш (вилт) касаллигини қоъзғатиши хабар қилинган (Шералиев, 1992; Азимджанов, 1995; Шералиев и др., 2009).

Тут дарахти уруғларининг ичида сақланадиган фитопатоген замбуруғларни аниқлаш ва ажратиб олиш учун нам камера усули ёки агар-агарли озуқа мухитида ўстириш усулини қоъллашади.

Бунда уруғларнинг 1) устида ва 2) ичида сақланадиган фитопатоген замбуруғларни аниқлаш талаб этилиши мумкин. Биринчи ҳолда уруғлар устки қисмидан дезинфекция қилинмайди, иккинчи ҳолда эса уларнинг устки қисми натрий гипохлорит, 70°-ли этил спирти, ёки 0,5% ли калий перманганат еритмасида заарсизлантирилади. Устки қисми дезинфекция қилинган ва қилинмаган уруғлар тажрибанинг 2 та варианти бўлиб, улар алоҳида текширилади. Ҳар бир намунадаги уруғлар 5 та Петри идишининг (яъни, 5 қайтариқда) ҳар бирига 50-100 тадан екилади.



Нам камера усулида текширувдаги уруғлар қопқоғига ва остига стерил сув билан намланган филтр қофозлари тоъшалган Петри идишида ораларида 0,5-1,0 см дан масофа қолдириб, стерил пинсет (ёки спиртга яхшилаб артилган қоъл) билан териб чиқилади. Петри идишлари термостатда 20-25°C ҳароратда 7-15 кун оъстирилади.

Озуқа муҳитида оъстириш усулида текширувдаги уруғлар ҳам 5 та Петри идишининг (5 қайтариқда) ҳар бирига 50-100 тадан екилади. Уруғлар танлаб олинган агарли озуқа муҳитида, көтпинча 1,7-2% ли оч агар муҳитида, кундуз 16 соат ёруғлик, 22-25°C ҳарорат / кече 8 соат қоронгулик, 18-20°C ҳарорат шароитида, 7-15 кун давомида оъстирилади.

Нам камерада ва озуқа муҳитида инкубатсия қилингандан кейин уруғлар микроскопда текширилади, улардан оъсиб чиққан фитопатоген замбуруғларнинг турлари аниқланади ва уларнинг репрезентатив соғ културалари сақлаб қоъйилади. Замбуруғ турларини аниқлаш учун уларни КДА муҳитида оъстириб олинган колонияларининг морфологик белгилари хамда микроскоп остида микроскопик белгилари тадқиқ қилинади (Мансини ет ал., 2016; Кумар ет ал., 2020).

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Азимджанов И.М. Болезни шелковицы, гусениц тутового шелкопряда и система их защиты. Автореферат дис. на соиск. уч. ст. д. с.-х.н. Ташкент, ТашГАУ, 1995, 52 стр.
2. Беккамов Ч.И., Данияров У., Орипов О., Жумағулов Қ.А. 2017. «Ипакчилик» йўналиши, «Ипак қуртини боқиши ва пилла тайёрлашда инновацион технологиялар» модули бўйича «Ўқув-услубий мажмуя». ТошДАУ, 2017, 169 б.). Асессор 09.01.2022.  
[хттп://стафф.тиаме.уз/стораге/усерс/289/боокс/4gL6MХнийтоДйХожж0ЙW2ЙмгсW4ЙИПқУҚУмР0вж8.пдф](http://staff.tiamame.uz/storagel/ucserc/289/books/4gL6MХнийтоДйХожж0ЙW2ЙмгсW4ЙИПқУҚУмР0вж8.пдф).
3. Гаффоров Ю. 2016. Аскомицеты – микромицеты дендрофлоры Бойсунского ботанико-географического района. Экологический вестник Узбекистана, 2016, № 12 (188), с. 36-39 (на узбекском языке). (Гаффоров Ю. 2016. Бойсун ботаник-географик райони дендрофлорасининг аскомицет-микромицетлари. Экология хабарномаси, 2016, № 12 (188), 36-39 б.).
4. Запромётов Н.Г. 1925. Болезни культурных растений в Средней Азии. Ташкент: «Наркомзем УзССР», 1925, 168 с.
5. Запромётов Н.Г. 1926а. Материалы по микофлоре Средней Азии. Вып. 1. Ташкент: «Наркомзем УзССР», 1926, 36 с.

# **ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 23-ҚИСМ**

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусаҳҳих:** Файзиев Фарруҳ Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.12.2022

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000